

Саҳиҳул Бухорийнинг мухтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 225-ҳадис

225 - 5627 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ [قَالَ]: (تَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الشُّرْبِ مِنْ فَمِ السِّتَاءِ وَالْقِرْبَةِ، وَأَنْ يَمْنَعَ جَارَهُ أَنْ يَغْرَزَ حَشْبَهُ فِي جِدَارِهِ).

225- 5627. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам мешнинг (ёки сувдоннинг) оғзидан ичишдан ҳамда қўшнинг ҳовлига ёғочни суқишини ман қилишдан қайтардилар».

Изоҳ: Сувдоннинг оғзидан ичишдан қайтаришнинг маъноси шуки, ичига бирор зарарли жонивор кириб қолган бўлиши мумкин. Шунингдек, баъзилар биров ичган идишдан сув ичишни ёқтирмаслиги мумкин. Қолаверса, ичаётганда оғиздан туфук ёхуд нафас қайтиши ҳам мумкин, бу эса макруҳдир.

Қўшнинг уйига томнинг тиргагини қўйиш зарур бўлиб қолса, бунга тўсқинлик қилишдан ҳам қайтарилган, чунки бунда қўшнинг машаққат туғдириш бор. Таъкидлаш лозимки, бу ҳукм ўша давр шароитидан келиб чиқиб айтилган. Бу ерда асосий қайтарилган иш қўшнинг озор бериш, қулайлик ва енгилликка тўсқинлик қилишдир.

Манба: hadis.islom.uz



